

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ *МО 2-206*

201\_\_ йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
урта махсус таълим вазирининг

201*9* йил "*2*" *НО.206* даги

*1023*- сонли буйруғи билан  
тасдиқланган

“Ўзбек тили филологияси: ўзбек адабиётшунослиги”  
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК  
МАРКАЗИ

АЛИШЕР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА  
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий  
ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2019 йил 18.10. даги 5 - сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

- Тузувчилар: “Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида  
олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф.  
И.Саифназаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.  
“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Туйчиева,  
доц. в.б. А.Раҳмонов.  
“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: п.ф.д.,  
проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолыева, п.ф.д. Г.Ибрагимова, катта  
ўқитувчи Р.Инимухамедов, А.Турасв. М.Магназарова, Н.Хакназарова,  
М.Инназаров, Д.Кушарбаев.  
“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот  
майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова,  
п.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар  
А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Г.Отамуродов.  
“Амалий хорижий тилини ўрганишнинг интенсив усуллари” модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзуллаева,  
У.Гиясова.  
“Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул  
қилишнинг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф.  
А.Юлдашев, п.с.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.  
**Махсус фанлар бўйича:**  
п.ф.д., проф. Н.М.Эгамбердиева, ф.ф.н. Н.Абдурахмонова, ф.ф.д., проф.  
Ў.Болтабоев, ф.ф.д., проф. Б.Каримов, п.ф.д. Ш.Турдимов, ф.ф.д. Ё.Одилов  
Такризчилар: п.ф.д. (PhD) В.В.Нам Нучон университети (Ўзбекистон)  
(PhD), К.Робинсон Техас университети (АКШ)  
ф.ф.д. И.М.Азимов Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти  
университети

*Ўқув дастури Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг қарори  
билан тасдиққа тавсия қилинган (2019 йил 28.09. даги 4 -сонли баённома).*

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли қароридан белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари.**

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Педагогик квалиметрия.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Компьютер лингвистикаси асослари.

## **IV. Амалий хорижий тил.**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари.**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил.

## **VI. Махсус фанлар.**

6.1. Мумтоз поэтик асарлар таҳлилида замонавий усуллар.

6.2. Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари.

6.3. Ўзбек фольклоршунослигининг муаммолари.

6.4. Семасиологиянинг долзарб маммолари.

## **VII. Малакавий аттестация.**

## Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳалаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирди:

“Ўзбек тили филологияси: ўзбек адабиётшунослиги” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ўзбек тили филологияси: ўзбек адабиётшунослиги” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

## Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### Тингловчи:

- мумтоз бадиий асарларни таҳлил қилиш тамойилларини;
- мумтоз бадиий матннинг таркиби ва филологик таълимда адабиётшунослик методология масалаларини;
- мустақиллик даври ўзбек халқ оғзаки ижодининг долзарб муаммоларини;
- халқ дostonларини ўрганишда янгича ёндашувлар ва уларнинг моҳиятини;

- ўзбек тилида лексик энантиосемия, энантиосемант, энантионим, конроним, псевдоантоним, омоантонимларнинг тузилиши ва унинг ўзига хосликларини;

- энантиосемия ҳодисасининг лингвистик моҳияти ва тилда акс этувчи энантиосемик маъноларини *билиши* керак.

**Тингловчи:**

- мумтоз матнларни услубий таҳлил этиш ва адабий асар таҳлилидан адабий-назарий хулосалар чиқара олиш;

- филологик таълимда қўлланиладиган биографик ва психологик методларни таҳлил қилиш ва қўллай олиш;

- этнофольклористика ва фольклор асарларини таҳлил қилиш асосида илмий-назарий хулосалар чиқариш;

Ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларни нутқда намоён бўлишининг ўзига хосликларини фарқлай олиш;

- энантиосемиянинг антифразис, ирония, эвфемия, дисфемиядан фарқлай олиш *қўшқималарига* эга бўлиши керак.

**- Тингловчи:**

- мумтоз поэтикада бадиий нутқ интонацияси ҳамда фонетикаси имкониятларидан фойдаланиш;

- адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойилларини ажрата олиш;

- дostonчилик мактабларини киёслай олиш;

- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларни нутқда намоён бўлишининг ўзига хосликларини фарқлай олиш *малакаларини* эгаллаши зарур.

**Тингловчи:**

- хозирги ўзбек шериятидаги мумтоз жанрларнинг бадиий таҳлил қилиш;

- биографик ва психологик методлар таҳлилидан фойдаланиш;

- мумтоз адабиётшунослиқда бадиий шакл ва мундарижа муносабати ҳамда уларнинг компонентларидан фойдаланиш;

- фольклор асарларини киёсий таҳлил қилиш;

- тиллараро энантиосемик таҳлил қилиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

**Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустикал малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкмасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

# “ЎЗБЕК ТИЛИ ФИЛОЛОГИЯСИ: ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ” Йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув модулларининг мазмуни

## 1. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик таракқиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривож ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик таракқиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожиди демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фукаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик таракқиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Ўзбекистон таракқиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислохотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълим ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камантишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги

Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараёнида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари. Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.



## II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

### 2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни катнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нуқт маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машгулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иктидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойихавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

### 2.2. Педагогик квалиметрия.

Педагогик квалиметриянинг мақсади, вазифалари ва муаммолари. Квалиметрия фани ҳақида тушунча, ривожланиш тарихи, фан тармоқлари, педагогик квалиметрия фанининг мақсади ва вазифалари. педагогик квалиметрия илмий-тадқиқот методлари.

Ностандарт тест-педагогик квалиметрия назорат ва баҳолаш технологияси сифатида. Халқаро баҳолаш дастурлари (TIMMS, PISA). Тестларнинг таърифи, таснифи, методологик асослари. Талабаларларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг назоратида қийинчилик даражаси турлича бўлган адаптив тест топшириқларидан фойдаланиш йўллари. Халқаро баҳолаш дастурлари (TIMMS, PISA) ҳақида умумий тушунчалар.

Профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси. Педагогик жараёнининг модели ва квалиметрик диагностикаси. Халқаро баҳолаш дастури мезонлари асосида тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш.

### III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

#### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булутли технологиялар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

#### 3.2. Компьютер лингвистикаси асослари.

Компьютер лингвистикасининг шаклланиши ва ривожланиши. “Компьютер лингвистикаси ва NLP (Natural language processing)”да табиий тилни қайта ишлаш. Компьютер лингвистикасининг назарий ва амалий масалалари. Компьютер лексикографияси: тезаурус, онтология, корпус. Компьютер лексикографиясида маълумотлар базаси. Тезаурус ва онтология тушунчалари. Корпус лингвистикаси. Табиий тил технологияси. Компьютер морфологияси, синтактик парсинг. Формал тил назарияси. Морфологик таҳлил қилишнинг автоматик тизими. Синтактик парсинг тушунчаси.

### IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

#### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий хордик, телефонда суҳбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

**5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни кидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

### **5.2. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил.**

Тушунча ва тамойиллар тизими. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатлари. Аниқланмаганлик шароитида мубокил қарор қабул қилиш тизимли услуб асоси сифатида. Тадқиқот объектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиш. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил методикаси. Филологик тадқиқотларда тизимлилик. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характери. Тизимли таҳлилнинг терминологик асослари ва йўналишлари. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Бадий матнга тизимли ёндашув. Таҳлил жараёнларининг кетма-кетлиги ва яхлитлиги. Адабиётшуносликка доир тадқиқотларда тизимли таҳлил тамойиллари. Тилшунослик тизими ва бадий матн тузилмаси. Тизимли таҳлилда услуб ва тизимлилик. Тизимли таҳлилда микродорийлик ва сифат, уларнинг нисбати ва бирлиги.

## VI. MAHCYC ФАНЛАР

### 6.1. Мумтоз поэтик асарлар тахлилида замонавий усуллар.

Мумтоз бадий асарларни тахлил қилиш тамойиллари. Мумтоз поэтика масалалари илмий тизим сифатида. Илмий ва бадий тахлил ўртасидаги нисбат, мумтоз бадий матннинг таркиби ва филологик таълимда адабиётшунослик методология масалалари. Мумтоз матнларни услубий тахлил этиш ва адабий асар тахлилидан адабий-назарий хулосалар чиқариш. Мумтоз адабиётшуносликда бадий шакл ва мундарижа муносабати ҳамда уларнинг компонентлари. Бадий матн яхлитлиги ва унинг таркиби. Бадий асардаги анъанавий образлар. Поэтик образ турлари ва уларни тахлил қилиш тамойиллари. мумтоз поэтикада бадий нутқ интонацияси ҳамда фонетикаси имкониятларидан фойдаланиш. Шеърятда вазн ва оҳангдорлик. Мумтоз поэтиканинг моҳияти ва бошқа поэтик шакллардан фарқланиш хусусиятлари. Структурал тахлилда адабий тур ва жанрлараро муносабат. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги мумтоз жанрлар ва уларнинг бадий тахлили масалалари.

### 6.2. Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари.

Филологик таълимда адабиётшунослик методология масаласи. Адабиётшунослик методологиясининг илмий-назарий янгиланиши. Адабиётшунослик методлари таснифи. Бадий асар муаллифига тегишли методлар ва назарий асослар. Филологик таълимда қўлланиладиган биографик ва психологик методларни тахлил қилиш ва қўллаш Биографик ва психологик методлар тахлили. Адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойиллари. Социологик ва формал методлар масаласи. Бугунги ўзбек адабиётшунослигига хос етакчи тамойиллар. Адабиёт музейлари ва ижодий ташкилотлар фаолияти билан танишиш.

### 6.3. Ўзбек фольклоршунослигининг муаммолари.

Мустақиллик даври ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганишнинг долзарб муаммолари. Фольклор нашрлари тажрибалари “Ўзбек халқ ижоди хазинаси” 100 жылдигини нашрга тайёрлаш, чоп этиш масалалари. Халқ дostonларини ўрганишда янгича яндашув ва уларнинг моҳияти. Халқ эртақлари семантикаси тажрибалари. Этнофольклористика ва фольклор асарларини тахлил қилиш асосида илмий-назарий хулосалар. Этнофольклорстик метод янгилликлари. “Алпомиш” дostonи вариантлари (Фозил шоир, Пулкан шоир, Берди бахши вариантларни қиёсий ўрганиш). Дostonчилик мактаблари. Қурғон ва Булунгур мактаби мисолида. “Бахши” хужжатли филмини намойиши ва тахлили. Наврўз маросими, тақвимий мифлар. Бойчечак маросими. Оилавий маросимлар фольклори. Фольклор асарларини қиёсий тахлил қилиш. Ўзбек халқ эртақлари талқини. Лирик қўшинлар талқини.

#### **6.4. Семасиологянинг долзарб муаммолари.**

Зиддият ва дунёни англаш. Тилда зиддиятнинг ифодаланиши. Энантисемиа – лисоний зиддиятнинг типик кўриниши ва унинг юзага келиш омилидари. Энантисемиа ходисасининг лингвистик мохияти ва тилда энантисемик маъноларнинг пайдо бўлиши. Энантисемиа ходисасининг дунё тилшунослигидаги талқини томонидан энантисемик сўзларни омоним, антоним, полисемантик сўз ва бунинг сабаблари. Ўзбек тилида лексик энантисемиа, энантисемиант, энантисемионим, конроним, псевдоантоним, омоантонимларнинг тузилиши ва ўзига хослиги. Энантисемианинг лексик ва фразеологик бирликлар орқали ифодаланиши: лисоний ва нуткий, номловчи ва бахоловчи, тўлик ва қисман энантисемиа турлари ҳақида. Ўзбек тилида лексик энантисемианинг турлари ва уларни нутқда намоён бўлишининг ўзига хосликларини фарқлаш. Ўзбек тилида лексик энантисемиа: синхроник ва диахроник, лингвистик ва паралингвистик, грамматик ва грамматик бўлмаган энантисемиаляр. Фразеологик энантисемиа ва унинг турлари. Энантисемианинг нуткий намоён бўлиши. Энантисемианинг антифразис, ирония, эвфемия, дисфемиядан фарқли жиҳатлари. Тиллараро энантисемиа.

#### **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишнини химоя қилиш асосида ўтказилади.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, муस्ताқил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Муस्ताқил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Муस्ताқил малака ошириш куйидаги шакллари ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иктидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик

килиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиладилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан қўзғатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

#### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга кураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги

ПК-3775-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига талаб юкори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4358-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-4391- сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279 б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council



Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari. – T.: “O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.

31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

32. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.

33. G‘ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari. – T.: Fan, 2010.

34. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услугий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/-T.: 2011.

35. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – T.: “Академия”, 2011.

36. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – T., “Мумтоз сўз”, 2015.

37. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – T.: “Янги аср авлоди”, 2011.

38. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –T. “Akademnashr”. 2014.

39. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг киёсий-типологик, текстологик таҳлили. –T.: “Академиашр”, 2011.

40. Расулов А. Мустақиллик даври адабиётининг назарий-методологик асослари. – T.: Маънавият, 2012.

41. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси.(Ўқув қўлланма) –T., “Muharrir”, 2011.

42. Турдимов Ш. “Гўрўгли” дostonларининг генезиси ва тадрижий боскичлари. – T.: “Фан”, 2011.

43. Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. – T.: “Ўзбекистон”, 2016.

44. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – T.: “Фан” 2012. 304-б.

45. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгўрликлари. 100 жилдлик. I-VIII жилдлар. – T.: “Ғафур Ғулom нашриёти”, 2015, 2016.

46. Barthes Roland. A propos de deux ouvrages de Claude Levi-Strauss: Sociologie et socio-logique // Informations sur les Sciences sociales. Unesco, dec. 2012. 1, 4.

47. Ruwet N. L’analyse structurale de la poesie // Linguistics, 2, dec. 2013.

#### IV. Интернет сайтлар

48. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz)

49. Бош илмий методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

50. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

51. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

52. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

53. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

54. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим ва илм педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга таъкил этиш бўлими муҳим методик маркази

Директор \_\_\_\_\_ Т.Е.Ваймардонов  
\_\_\_\_\_ 2019 й.

М.У.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор \_\_\_\_\_ Ш.С.Сирожиждинов  
\_\_\_\_\_ 2019 й.

М.У.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга таъкил этиш маркази

Директор \_\_\_\_\_ Н.Эгамбердиева  
\_\_\_\_\_ 2019 й.

М.У.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш хамда мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсонбобоев

\_\_\_\_\_ 2019 й.

М.У.